

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРЗИКУЛОВА МУНИСА ШУХРАТ КИЗИ

**АТЕРОСКЛЕРОЗИ БОР БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТИТНИ
ДАВОЛАШНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Арзикулова Муниса Шухрат кизи

Атеросклерози бор беморларда пародонтитни

даволашнинг клиник-

иммунологик асослари.....3

Арзикулова Муниса Шухрат кизи

Клинико - иммунологическое обоснование лечения пародонтита у больных атеросклерозом23

Arzikulova Munisa Shukhrat kizi

Clinical and immunological justification treatment of periodontitis in patients atherosclerosis.....41

Нашр этилган илмий ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРЗИКУЛОВА МУНИСА ШУХРАТ КИЗИ

**АТЕРОСКЛЕРОЗИ БОР БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТИТНИ
ДАВОЛАШНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3048 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кэнгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ризаев Элёр Алимджонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Агабабян Ирина Рубеновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Беленова Ирина Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ташкенбаева Элеонора Негматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Mara university of technology (Малайзия).

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Кубаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Б. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, пародонтит дунё аҳолисининг тахминан 5-15% да тишларнинг йўқолишига олиб келади ва энг кенг тарқалган касаллик бўлиб, тарқалиш бўйича олтинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) бутун дунёда ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади. Ҳар йили барча ўлим ҳолатларининг тахминан 30 % ташкил этадиган бу касалликлар оқибатида 7 миллиондан ортиқ инсон юрак ишемик касаллиги (ЮИК) туфайли вафот этади. Бу эса умумий ўлим кўрсаткичининг 12,8 % ташкил қилади¹.

Ҳозирги кунда ўлим сабаблари орасида юрак-қон томир касалликлари биринчи ўринни эгаллайди ва 2023 йил якунига кўра 61 % ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил апрель ойида ўтказилган селектор йиғилишида таъкидлаганидек, мамлакатимизда 30 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолининг 53 % юрак-қон томир касалликлари билан оғрийди. Бунда сурункали ишемик юрак касаллиги етакчи роль ўйнаб, у ногиронлик ва юқори ўлим кўрсаткичларига олиб келади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини жаҳон талабларига мослаштириш, шу жумладан, юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш, уларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, "мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва кўламини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш..." бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган²

Мазкур илмий иш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон "Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари мазкур диссертация тадқиқоти юқоридаги меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

¹ (World Health Organization. Preventing chronic disease: A vital investment // http://www.who.int/chp/chronic_disease_report/).

² <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда юрак-қон томир касалликлари пародонтитнинг пайдо бўлиши ёки ривожланиши учун хавф омили эканлиги ҳақида чекланган миқдордаги илмий маълумотлар мавжуд. Maria Febbraio ўз тадқиқотида (2021) пародонтит қанчалик оғир бўлса, биринчи коронар ҳодиса хавфи шунчалик юқори бўлишини таъкидлади. Охирги беш йил ичида эълон қилинган олти эпидемиологик ҳолатни ўрганиш шуни кўрсатдики, коронар ҳодисалар частотаси худди шу даражада кўпаяди. Уларнинг маълумотларига кўра, нисбий хавфни баҳолаш турли тадқиқотларда пародонтитнинг популятсион хусусиятлари ва оғирлигига қараб ўзгариб турди.

Абдурахманов Г.Г. ва Макаев Э.А. (2019) тадқиқотлари кекса ёшдаги беморларда пародонтитнинг сурункали яллиғланиш касалликлари ва соматик патологиялар частотаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, шунингдек, ёндош касалликларнинг табиатига қараб пародонтит тўқималарининг шикастланиш даражасига бағишланган. П.Р. Усмонов артериал гипертония билан оғирган беморларда тарқалган пародонтитни даволаш самарадорлигини баҳолади. Артериал гипертониянинг мавжудлиги пародонтитнинг тарқалиши ва оғирлигини сезиларли даражада ошириши аниқланди: унинг ривожланиш хавфи 2,5 баравардан кўпроқ ошади. (OR = 2,551; 95% ИШ 1,836 - 3,544); ва терапияга бўлган эҳтиёж (CPTN индекси кодлари бўйича) - 2-3 баравар ($\chi^2 = 24,485$; $P < 0,01$).

Агабабян И.Р. ва Ризаев Ж.А. (2022) ишларида пародонтитни даволашнинг С-реактив оксил (CPO) ва интерлейкин-6 (ИЛ-6) даражасини пасайтиришга ижобий таъсири тасдиқланган. Улар томонидан ишлаб чиқилган клиник-лаборатор маълумотлар асосида пародонтитни комплекс даволаш схемаси касалликнинг агрессив шакли ва ёндош коморбид бузилишлари бўлган беморларда юқори самарадорликни исботлади, бу эса ушбу беморлар гуруҳи учун афзалликни белгилайди.

Коронар атеросклероз фонида пародонтит муаммосининг долзарблиги нафақат ушбу касалликларнинг юқори тарқалиши, балки семизлик билан боғлиқ ЮҚТК сонининг ўсиш тенденцияси билан ҳам боғлиқ. Бу борада иммун тизими фаолияти, яллиғланиш олди цитокинлари (CPO, ИЛ-6) даражаси ва сўлакдаги липопротеидлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт институтининг "Юз-жағ соҳаси жароҳатлари, нуқсонлари, деформатсиялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги

илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (рўйхат рақами № 011900258) (2019-2023 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади атеросклероз фонида пародонтит касаллигига чалинган беморларни даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коронар артериялар атеросклерози билан оғриган беморларда пародонтитнинг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

иккала касалликнинг стандарт терапияси фонида коронар артериялар атеросклерози пародонтити билан оғриган беморларда цитокин яллиғланиш маркерларини таҳлил қилиш;

атеросклероз фонида пародонтит билан оғриган беморларда статин терапиясининг клиник кечиши ва цитокин яллиғланиш маркерлари самарадорлигини таҳлил қилиш;

статинларни пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози кечишида қўллашнинг узоқ муддатли натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2024 йиллар давомида Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасига мурожаат қилган пародонтитнинг турли оғирлик даражаси ва турли локализациядаги атеросклероз ташхиси қўйилган 100 нафар бемор ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети: биокимёвий тадқиқотлар учун веноз қон, қон зардоби, шунингдек оғиз бўшлиғи суюқлиги ва пародонт тўқималари ҳолати кўрсаткичлари тақдим этилди.

Тадқиқотнинг усуллари: мақсад ва белгиланган вазифаларга эришиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: инструментал, клиник-функционал, лаборатор, рентгенологик ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўрта ёшдаги беморларда пародонтит коронар артериялар атеросклерози патоморфологик қўзғатувчиси бўлиб, касаллик кечишини оғирлаштириши исботланган;

пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози билан оғриган беморларда ҳар иккала касалликнинг стандарт терапияси фонида ҳам яллиғланишга қарши цитокинларнинг юқори даражаси аниқланган;

статинларнинг пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози патоморфологик узгаришлар асосида турли босқичдаги клиник кечишига таъсирининг самарадорлиги асосланган;

пародонтитларнинг ананавий даволаш фонида статин қабул қилишни узоқ муддатли ва қатъий назорат қилиш паст зичликдаги липопротеинлар, умумий холестерин, триглицеридлар даражасининг сезиларли даражада пасайишига, юқори зичликдаги липопротеинларнинг ошишига, шунингдек, яллиғланиш олди цитокинларининг пасайишига, ҳамда, пародонт тўқималари ҳолатининг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Лаборатория маълумотлари ва инструментал текширувлар асосида статинларни қатъий қабул қилиш фонида УХ, ПЗЛП, ТГ даражаси сезиларли даражада пасаяди, ЮЗЛП даражаси эса сезиларли даражада ошади.

Умумий холестерин даражаси, сўлакдаги паст ва юқори зичликдаги липопротеидлар, шунингдек цитокинлар даражаси кўрсаткичларига қараб статинни дозалаш алгоритмини қўллаш беморларда пародонтал чўнтак чуқурлиги, милкларнинг қонаш индекси (ҚИ), милк рецессияси, пародонтал индекс кўрсаткичларини (ПИ) сезиларли даражада камайтиради.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида амалий соғлиқни сақлаш учун яллиғланиш олди цитокинлари ҳолатига қараб коронар артериялар атеросклерози фонида пародонтит билан оғриган беморлар учун статинларни қатъий қабул қилиш бўйича тавсиялар бериш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий усул ва ёндашувлар, бир-бирини тўлдирувчи клиник-стоматологик, биокимёвий, лаборатор усуллар бўйича тиббий ва статистик материалларнинг ҳақиқийлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий маълумотларга мувофиқлиги, ўтказилган текширувларнинг тўғрилиги, беморларнинг етарлилиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёслаганда ишончлилиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда ифодаланадики, пародонт тўқималари яллиғланиш жараёнлари билан юрак-қон томир тизими патологиялари ўртасидаги боғлиқлик биомаркерлар — интерлейкин-6, TNF- α ва С-реактив оксил даражалари орқали илмий жиҳатдан асослаб берилди. Олинган натижалар пародонтал яллиғланишнинг умумий патогенетик механизмлардаги ўрни ва унинг атеросклероз жараёнларига таъсирини кўрсатиб берди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса шунда ифодаланадики, розувастатинни узоқ муддатли ва қатъий назорат остида қўллаш пародонт яллиғланишини камайтириши, атеросклеротик ўзгаришларни секинлаштириши ва умумий клиник самарадорликни ошириши мумкинлиги аниқланди. Бу эса розувастатинни стандарт терапияга қўшимча элемент сифатида клиник амалиётда тавсия қилиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларини жорий этиш. Коронар артериялар атеросклерози билан оғриган беморларда пародонтитни даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 10 мартдаги № 13-сонли хулосаси):

биринчи илмий янгилик: ўрта ёшдаги беморларда пародонтит коронар артериялар атеросклерози патоморфологик қўзғатувчиси бўлиб, касаллик кечишини оғирлаштириши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни

сақлаш амалиётига, хусусан, Жиззах вилоят стоматология поликлиникаси (4.01.2025 йилдаги 2-сонли буйруғи) ва Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси (2025 йил 17 январдаги 36-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: коронар артериялар атеросклерози билан оғриган беморларда сурункали пародонтитни ўз вақтида олдини олиш мақсадида атеросклероз фониди сурункали пародонтит ривожланишини башорат қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор ва инструментал текширув стандартлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Бу, ўз навбатида, аҳолида юрак-қон томир касалликларининг тарқалишини камайтириш, ногиронлик ва ютқазилган меҳнат қобилияти ҳолатларини олдини олиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва касалликка чалинганларнинг фаол ижтимоий ҳаётга қайтишини таъминлашга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда жорий этилган янги диагностик ва даволаш алгоритмлари орқали ҳар бир бемор учун дори воситаларини истеъмол қилиш ва шифохонада ётиб даволаниш харажатлари сезиларли даражада камайтирилди. Амбулатор босқичда пародонтитни эрта аниқлаш ва мақсадли даволаш орқали ўртача 924 000 сўмлик сарф маблағ етарли бўлган бўлса, анъанавий усулларда бу кўрсаткич ўртача 1 325 000 сўмни ташкил этди. Натижада, ҳар бир бемор учун 401 000 сўмгача ёки тахминан 30,3% маблағ тежалди. *Хулоса:* Тадқиқот натижаларига кўра, пародонтитни атеросклероз фониди ўз вақтида аниқлаш ва комплекс даволаш орқали беморларнинг шифохонада даволаниш муддати 25–30% га қисқарди, дори воситаларидан фойдаланиш ҳажми 30% га камайди, ва аҳоли саломатлиги ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш 40% гача юқори самара кўрсатди.

иккинчи илмий янгилик: пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози билан оғриган барча беморларда ҳар иккала касалликнинг стандарт терапияси фониди ҳам яллиғланишга қарши цитокинларнинг юқори даражаси аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Жиззах вилоят стоматология поликлиникаси (4.01.2025 йилдаги 2-сонли буйруғи) ва Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси (2025 йил 17 январдаги 36-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: стоматологга мунтазам ташриф буюриш, тиш гигиенаси, оғиз бўшлиғини қатъий назорат қилиш беморларнинг ўзини ҳис қилишини сезиларли даражада яхшилади ва атеросклерознинг ривожланишини камайтиради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Яллиғланишга қарши цитокинларни назорат қилиш имконини берувчи кўшимча терапевтик стратегияларни жорий этиш орқали, ҳар бир бемор учун дори воситаларини танлаш ва дозалашни индивидуаллаштириш имконияти яратилди. Бу амбулатор босқичдаги самарали назорат ва эрта корекция орқали ўртача 913 000 сўмлик харажат билан юқори яллиғланиш даражасини пасайтиришга

эришилган бўлса, стандарт ёндашувда бу кўрсаткич ўртача 1 312 000 сўмни ташкил этган. Натижада, ҳар бир бемор ҳисобида 399 000 сўмгача ёки тахминан 30,4% маблағ тежалди. *Хулоса:* Пародонтит ва коронар атеросклероз билан оғриган беморларда стандарт терапия фонида яллиғланишга қарши цитокинларнинг юқори даражада сақланиши аниқлангани, даволаш тактикасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Янгича интегратив ёндашувлардан фойдаланиш яллиғланиш даражасини 60–70% гача камайтириш, даволаниш харажатларини 30% гача қисқартириш ва аҳоли саломатлигига таъсирини 40% гача яхшилаш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: статинларнинг пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози патоморфологик узгаришлар асосида турли босқичдаги клиник кечишига таъсирининг самарадорлиги асосланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Жиззах вилоят стоматология поликлиникаси (4.01.2025 йилдаги 2-сонли буйруғи) ва Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси (2025 йил 17 январдаги 36-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: тадқиқот натижаларига кўра, статинлар нафақат гиперлипидемия ва коронар артериялар атеросклерозини даволашда, балки турли босқичдаги пародонтитда ҳам самарали таъсир кўрсатиши аниқланди. Улар яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини пасайтириш ва тўқималардаги деструктив жараёнларни секинлаштириш орқали пародонт тўқималари барқарорлигини сақлашга ёрдам беради. Бу ҳолат беморларда оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилаш, инфекция хавфини камайтириш ва юрак-қон томир асоратларини олдини олиш имконини яратди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: Статинларни пародонтит ва атеросклерозни биргаликда даволашда қўллаш орқали ҳар бир бемор учун дори воситаларини узоқ муддатли ва тўғри танлаш натижасида ўртача 921 000 сўм сарфланган бўлса, стандарт даволашда бу кўрсаткич 1 330 000 сўмни ташкил этган. Яъни, ҳар бир бемор ҳисобида 409 000 сўм ёки тахминан 30,8% маблағ тежалишига эришилди. Бундан ташқари, шифохонада ётиб даволаниш ҳолатлари сони 20–25% га камайган. *Хулоса:* Статинларни пародонтит ва коронар атеросклероз клиник кечишига таъсири 85–90% ҳолатларда самарали экани исботланди. Улар яллиғланиш даражасини пасайтирар экан, беморларнинг умумий ҳолатини яхшилади, дори воситаларидан фойдаланиш 30% га, шифохонада даволаниш эҳтимоли эса 25% га камайди, бу эса тиббий хизматлар самарадорлигини ва аҳоли ҳаёт сифатини 40% гача ошириш имконини берди.

тўртинчи илмий янгилик: пародонтитларнинг ананавий даволаш фонида статин қабул қилишни узоқ муддатли ва қатъий назорат қилиш паст зичликдаги липопротеинлар, умумий холестирин, триглицеридлар даражасининг сезиларли даражада пасайишига, юқори зичликдаги липопротеинларнинг ошишига, шунингдек, яллиғланиш олди цитокинларининг пасайишига, ҳамда, пародонт тўқималари ҳолатининг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келиши исботланган. *Илмий*

янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Жиззах вилоят стоматология поликлиникаси (4.01.2025 йилдаги 2-сонли буйруғи) ва Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси (2025 йил 17 январдаги 36-сон буйруғи) фаолиятига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Статинларни пародонтитнинг стандарт терапияси фонида узок муддатли ва қатъий назоратда қабул қилиш орқали яллиғланиш олди цитокинлар даражасининг пасайиши, пародонт тўқималари ҳолатининг яхшиланиши ва умумий метаболик кўрсаткичларнинг барқарорлашуви таъминланди. Бу ҳолат фуқароларда оғиз бўшлиғи саломатлигига нисбатан онгли ёндашувни шакллантирди, пародонт касалликларининг рецидивлари ва юрак-қон томир асоратлари хавфини камайтирди, аҳоли саломатлигини комплекс равишда яхшилашга хизмат қилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Тадқиқот давомида аниқландики, статинларни стандарт терапия билан бирга қабул қилиш ПЗЛП, УХ ва триглицеридлар даражасини пасайтириш, ЮЗЛП даражасини ошириш орқали касалликни барвақт назорат қилиш имконини берди. Бунга асосан, ҳар бир бемор учун харажатлар 918 000 сўмни ташкил этган бўлса, стандарт терапияда бу кўрсаткич ўртача 1 320 000 сўмга тенг бўлган. Шу билан, бир бемор ҳисобида 402 000 сўм ёки тахминан 30,4% маблағ тежалишига эришилди. Шунингдек, стационар даволаниш эҳтиёжи 20–25% га камайди. *Хулоса*: Пародонтитнинг стандарт терапияси фонида статинларни узок муддатли ва қатъий назоратда қўллаш 85–90% ҳолатларда липид алмашинувини яхшилади, яллиғланиш даражасини 50% гача пасайтирди ва пародонт тўқималари ҳолатини 60% гача яхшилади. Бу, ўз навбатида, тиббий харажатларни 30% гача камайтириш ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини 40% гача ошириш имконини яратди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **"Адабиётлар шарҳи"** деб номланган биринчи бобида коронар артериялар атеросклерози фонида пародонтит ривожланишининг умумий патогенетик механизмлари, коронар артериялар атеросклерози билан боғлиқ яллиғланиш хавфини камайтириш учун пародонтитни даволаш имкониятларига бағишланган замонавий илмий тадқиқотлар таҳлили натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида, фойдаланилган клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари баён этилган. Пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози қўшма ташхиси билан 45-60 ёшдаги 100 нафар бемор текширилди. Ташхис анамнез, ёш, касалликнинг кечиши ва ёндош патологияларни таҳлил қилишни ўз ичига олган.

Беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - асосий - стандарт терапия ва розувастатинни қатъий қўллаш фонида пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози бўлган 50 нафар ўрта ёшли беморлар. 2-гуруҳ - стандарт терапия фонида пародонтит ва коронар артериялар атеросклерози бўлган 50 нафар ўрта ёшли беморлар.

Клиник текширув оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини (ОHI-S), пародонтал индекси (PI), милк бирикмасининг йўқолиш даражасини (CAL), милклардан қон кетиш индексини (Muhlemann-Cowell), тишларнинг ҳаракатчанлигини (Энтин бўйича), пародонтал чўнтакларнинг чуқурлигини (даражаланган зонд ёрдамида) баҳолашни ўз ичига олган. Баҳолаш терапия бошланишидан олдин, 7 ва 14-кунларда, 1 ва 6 ойдан кейин ўтказилди.

Статинларни қатъий назорат остида қўллаш тавсифи. 1 (асосий) гуруҳ 50 нафар ўрта ёшли беморлардан иборат бўлиб, стандарт терапиядан ташқари статин қабул қилиш устидан қатъий назорат олиб борилди; 2 (таққослаш) гуруҳда (50 нафар) ўрта ёшли беморларга иккала касаллик бўйича стандарт терапия ўтказилди. Асосий кўрсаткичлар 7 ва 14 кун, шунингдек, 1 ва 6 ойлик даволанишдан кейин ўлчанди.

Барча беморлар комплекс клиник-лаборатор ва инструментал текширувлардан ўтказилди. Лаборатория текширувлари таркибига умумклиник таҳлиллар (жумладан, қоннинг умумий таҳлили, лейкоцитар формуласи ва ЭТГ кўрсаткичлари) ҳамда глюкоза, холестерин, липопротеинлар, триглицеридлар ва С-реактив оқсил даражасини аниқлашга қаратилган биокимёвий тестлар киритилди. Қўшимча равишда, яллиғланиш олди цитокинлар — интерлейкин-6

(II-6) ва ўсма некрози омили- α (ЎНО- α) даражалари аниқланиб, системали яллиғланиш ва метаболик бузилишлар даражаси баҳоланди.

Пародонт тўқималарида яллиғланишни аниқлаш учун Muhlemann ва Son индекси бўйича аниқланди. Яллиғланиш даражаси йўқликдан эрозиялар ва ўз-ўзидан қон кетиши билан оғир босқичгача таснифланади. Пародонт ҳолати кўшимча равишда Russel индекси бўйича баҳоланди. Пародонтал чўнтакларнинг чуқурлиги Данилевский бўйича таснифланади: I даража - 2-4 мм, II даража - 4-6 мм, III даража - ≥ 6 мм.

Ушбу кўрсаткичлар даволашдан олдин, сўнгра даволашдан кейин 1 ва 6 ойдан сўнг қайд этилди. Кўшимча равишда, милк рецессияси ҳам баҳоланди — у локал ёки генераллашган кўринишда бўлиши мумкин бўлиб, милк тўқимасининг ҳажми камайиши ва тиш илдизларининг очилиши билан намоён бўлади.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида, атеросклерознинг мавжудлиги ёки йўқлигига қараб пародонтитнинг тарқалиш хусусиятлари тақдим этилган, атеросклероз билан оғриган беморлар учун мослаштирилган махсус ишлаб чиқилган кўрик картасига мувофиқ қиёсий тадқиқотлар ўтказилган.

Тадқиқот доирасида 50 кишидан иборат иккита таққосланадиган клиник гуруҳга бўлинган 100 нафар беморнинг маълумотлари таҳлил қилинди. Ёш ва жинс бўйича тақсимот мувозанатли бўлиб чиқди: 44-50 ёш тоифасида ҳар бир гуруҳда 20 нафардан бемор (1-гуруҳда - 7 эркак ва 13 аёл; 2-гуруҳда - 8 эркак ва 12 аёл), 51-60 ёш оралиғида - 30 нафардан (мос равишда 13/17 ва 12/18). Умумий танланмада 1-гуруҳда 18 нафар эркак ва 32 нафар аёл, 2-гуруҳда 16 нафар эркак ва 34 нафар аёл бўлиб, бу клиник-лаборатор кўрсаткичларни таққослашнинг объективлигини таъминлади.

Пародонт ҳолатини индекс баҳолаш маълумотларига кўра, асосий гуруҳда пародонтал чўнтакларнинг чуқурлиги $4,92 \pm 0,21$ мм, назорат гуруҳида - $4,84 \pm 0,34$ мм ($p > 0,1$); милк бирикишнинг йўқолиш даражаси - мос равишда $3,92 \pm 0,26$ мм ва $3,89 \pm 0,29$ мм ($p > 0,5$), бу пародонт тўқималарида деструктив жараёнларнинг ўхшаш ифодаланганлигини кўрсатади. Бироқ, Russel индекси асосий гуруҳда $3,48 \pm 0,26$ ни, назорат гуруҳида $3,74 \pm 0,20$ ($p < 0,001$) ни ташкил этди, бу атеросклероз мавжуд бўлганда пародонтнинг янада яққолроқ яллиғланишини кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, атеросклероз ташхиси қўйилган беморларда пародонт яллиғланиши ва тўқима деструкциясини акс эттирувчи барча индекс кўрсаткичлар юқорида даражада қайд этилди. Шу жумладан, милк эгатчасидан қон кетиши индекси (SBI) асосий гуруҳда $2,21 \pm 0,27$, солиштирма гуруҳда эса $2,13 \pm 0,28$ ($p > 0,1$) бўлди; тиш караши индекси эса мос равишда $2,01 \pm 0,29$ ва $1,93 \pm 0,25$ ($p > 0,2$) ни ташкил этди. Статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқлигига қарамай, қон томир патологияси бўлган беморларда клиник кўринишларнинг салбий динамикаси аниқланди.

Энг яққол фарқ милк рецессиясида кузатилди: асосий гуруҳда $5,14 \pm 0,27$ мм, солиштирма гуруҳда $5,24 \pm 0,34$ мм ($p > 0,1$), ҳарчанд статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмасада, яллиғланиш-деструктив жараёнларнинг умумий йўналишига мос келади. Ушбу маълумотлар пародонт тўқималаридаги

сурункали яллиғланиш ва қон томир патологияси ўртасида патогенетик боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди, бу эса комплекс ва мослаштирилган даволаш-диагностик ёндашувни талаб қилади.

Атеросклероз фонида тарқалган пародонтит билан оғриган беморларда оғиз суяқлигининг липид таркибини таҳлил қилиш яллиғланиш даражаси ва липид алмашинувининг бузилиши ўртасидаги сезиларли боғлиқликни кўрсатди. Олинган маълумотларга кўра (1-жадвал), асосий гуруҳдаги яққол деструктив ўзгаришлари бўлган беморларда паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) миқдори $2,98 \pm 1,07$ ммол/л ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида $3,74 \pm 0,96$ ммол/л ($p < 0,01$) ни ташкил этди.

Худди шундай тенденция триглицеридлар бўйича ҳам қайд этилди: асосий гуруҳда $1,41 \pm 0,60$ ммол/л ва назорат гуруҳида $1,98 \pm 0,93$ ммол/л ($p < 0,01$). Ҳимоя функциясига эга бўлган юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) концентрацияси оғир пародонтит билан оғриган беморларда сезиларли даражада паст эди - $1,38 \pm 0,24$ ммол/л назорат гуруҳидаги $1,76 \pm 0,57$ ммол/л га нисбатан ($p < 0,001$).

Ушбу маълумотлар пародонт тўқималарида маҳаллий яллиғланиш ва атеросклероз фонида кучаядиган липид алмашинувининг бузилиши ўртасида тўғридан-тўғри патогенетик боғлиқликни кўрсатади.

1-жадвал

Атеросклерозга чалинган беморларда пародонтит оғирлигининг ортишига қараб оғиз бўшлиғи суяқлигидаги липид спектрининг динамикаси

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ М		2-гуруҳ m		P
ПЗЛП	2,98	1,07	3,74	0,96	<0,01
ЮЗЛП	1,76	0,57	1,38	0,24	<0,001
Триглицеридлар	1,98	0,93	1,41	0,6	<0,01

Корелляцион таҳлил пародонт ҳолати ва оғиз бўшлиғи суяқлигидаги липид фракциялари концентрацияси ўртасида яқин ижобий боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлади, бу айниқса атеросклероз билан оғриган беморларда яққол намоён бўлади. Хусусан, биринчи гуруҳда ПЗЛП даражаси билан пародонтал чўнтак чуқурлиги ўртасидаги корреляция коэффициенти $r = 0,762$ ни ташкил этди, триглицеридлар билан милк рецессияси ўртасида эса $r = 0,890$ бўлди, бу кучли ижобий боғлиқликни кўрсатади. Иккинчи гуруҳда ушбу кўрсаткичлар янада юқори бўлиб, мос равишда $r = 0,828$ ва $r = 0,884$ ни ташкил этди, бу эса коморбид патологиянинг оғир кечиши фонида метаболик бузилишлар янада кучайишини англатади. Бу биокимёвий ўзгаришлар билан биргаликда иммунологик кўрсаткичларда ҳам ўзгаришлар қайд этилди: юқори сезувчан С-реактив оқсил (СРО) даражаси 2-гуруҳда $3,98 \pm 2,47$ мг/л бўлиб, 1-гуруҳда $3,03 \pm 2,62$ мг/л ни ташкил этди, бу юқори кардиоваскуляр хатар мавжудлигини билдиради. Ушбу маълумотлар шундан далолат берадики, атеросклерознинг мавжудлиги липид алмашинувининг бузилиши ва яллиғланиш олди медиаторларининг фаоллашуви орқали пародонт тўқималарида яллиғланиш-деструктив жараёнларни кучайтиради (2 жадвал).

**Пародонтит билан касалланган I гуруҳ беморларида атеросклерознинг
оғиз суяқлигидаги липид спектри концентрациясининг ўзгариши
хавфига таъсири**

(г)	Милк рецессияс и	Чўнтак чуқурл иқи	Милк.к линик бирики ши	Тиш караши индекси	Қ (гингив. индекси)	ПИ (пародо н-тал индекс)	Р
ТВИ	0,812	0,727	0,766	0,765	0,641	0,602	<0,05
ПЗЛП	0,751	0,762	0,818	0,773	0,685	0,664	<0,05
ЮЗЛП	0,574	0,756	0,773	0,728	0,69	0,668	<0,05
Триглицерид- лар	0,89	0,694	0,751	0,708	0,715	0,701	<0,05


Шу муносабат билан пародонтитнинг турли оғирлик даражаларидаги беморларда атеросклероз ривожланишининг энг муҳим патогенетик механизмлари ўрганиб чиқилган.

Диссертациянинг "Узоқ муддатли тадқиқотлар натижаларини муҳокама қилиш" деб номланган тўртинчи бобида, атеросклероз фонида пародонтит билан оғриган беморларда клиник аломатлар динамикасини таҳлил қилишга бағишланган. Қиёсий таҳлил давомида статинларни комплекс терапияга киритиш шикоятларнинг тезроқ ва яққол пасайишини таъминлаши аниқланди.

Хусусан, розувастатин препарати кўшилган кенгайтирилган даволаш схемасини қабул қилган биринчи гуруҳ беморларида милклардан қон кетишига оид шикоятлар сони биринчи ой давомида 12 тадан (24%) 3 тага (6%) гача, олтинчи ойга келиб эса 2 тага (4%) қадар камайди. Оғиздан келаётган ёқимсиз хидга доир шикоятлар 14 тадан (28%) 4 тага (8%) гача пасайиб, кузатув якунига келиб атиги 1 та ҳолат (2%) қайд этилди. Фақат стандарт терапия олган назорат гуруҳида бундай ўзгаришлар унчалик сезиларли бўлмади: қон кетишига оид шикоятлар 13 тадан (26%) 5 тага (10%) гача, оғиз қуриши эса 15 тадан (30%) 8 тага (16%) гача камайди.

Ушбу маълумотлар шуни тасдиқлайдики, липидларни пасайтирувчи даволаш усули, айниқса қон томир касалликлари мавжуд бўлганда, пародонтитни даволашнинг клиник самарадорлигини оширади.


Объектив индекс кўрсаткичлари ҳам асосий гуруҳда статистик ишончли яхшиланишни намоён этди. 1-расм маълумотларига кўра, пародонтал чўнтаклар чуқурлиги $4,92 \pm 0,21$ мм дан $4,74 \pm 0,21$ мм гача ($p < 0,001$), милк қонаш индекси $2,21 \pm 0,29$ дан $1,99 \pm 0,29$ гача ($p < 0,001$), пародонтал индекс эса $3,48 \pm 0,25$ дан $3,32 \pm 0,25$ гача ($p < 0,01$) пасайди. Назорат гуруҳида ўзгаришлар камроқ сезиларли эди: пародонтал чўнтаклар чуқурлиги $4,84 \pm 0,34$ мм дан $4,71 \pm 0,34$ мм гача, пародонт индекс $3,74 \pm 0,20$ дан $3,60 \pm 0,21$ гача камайди (иккала ҳолат учун ҳам $p < 0,01$). Шундай қилиб, даволаш схемасига статинларни кўшиш нафақат беморларнинг субъектив ҳолатини яхшилади, балки пародонт тўқималаридаги яллиғланиш-деструктив ўзгаришларни объектив равишда камайтиришга ҳам ёрдам беради (1 расм).



1-расм. Атеросклероз билан оғриган беморларда ва таққослаш гуруҳларида пародонт ҳолатининг индекс кўрсаткичлари

Пародонтит ва атеросклероз билан оғриган беморларда ишлаб чиқилган терапевтик ёндашувнинг самарадорлиги оғиз бўшлиғи суюқлигининг липид профили кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида баҳоланди. Гиполипидемик дори воситаларини ўз ичига олган кенгайтирилган даволаш схемасини қабул қилган гуруҳда статистик жиҳатдан ишончли ижобий ўзгаришлар кузатилди. Паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП) даражаси $2,98 \pm 0,96$ дан $2,74 \pm 0,96$ ммол/л гача (8,05% га) пасайди, триглицеридлар концентрацияси $1,98 \pm 0,79$ дан $1,71 \pm 0,79$ ммол/л гача (13,6% га) камайди, юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП) даражаси эса $1,76 \pm 0,53$ дан $1,99 \pm 0,53$ ммол/л гача (13,07% га) кўтарилди. Бу ўзгаришлар нафақат метаболик профилнинг яхшиланганлигини, балки яллиғланиш ўчоқлари ва кардиометаболик хавфларни бир вақтнинг ўзида баргараф этиш зарурлигини ҳам кўрсатади.

Фақат стандарт пародонтологик даволаш қўлланилган иккинчи гуруҳда ўзгаришлар камроқ сезиларли бўлиб, статистик аҳамиятга эга даражага етмаган. Хусусан, паст зичликли липопротеинлар (ПЗЛП) миқдори $3,74 \pm 0,96$ дан $3,45 \pm 0,90$ ммол/л гача (7,75% га) пасайган, юқори зичликли липопротеинлар (ЮЗЛП) $1,38 \pm 0,24$ дан $1,45 \pm 0,20$ ммол/л гача (5,07% га) кўтарилган, триглицеридлар концентрацияси эса $1,41 \pm 0,60$ дан $1,18 \pm 0,46$ ммол/л гача (16,31% га) камайган. Ўзгаришларнинг ижобий йўналишига қарамай, уларнинг ифодаланиши розувастатин қабул қилган гуруҳга нисбатан анча паст бўлган. Шундай қилиб, даволаш схемасига статинларни қўшиш нафақат яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, балки липид алмашинуви кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир қилади. Бу эса пародонтит ва атеросклероз биргаликда кечгани каби коморбид патологияларни даволашда патогенетик асосланган ёндашувнинг зарурлигини тасдиқлайди. Олинган натижалар ушбу тоифадаги беморлар учун клиник кўрсаткичлар билан бир қаторда метаболик параметрларни ҳам назорат қилишни назарда тутувчи мултидисциплинар ёндашувларни жорий этиш зарурлигини кўрсатади (2-расм).



2-расм. Атеросклероз билан касалланган беморларда турли даражадаги пародонтит оғирлигининг ортиб бориш динамикасида оғиз суюқлигининг липид спектри


Пародонтит ва атеросклероз билан оғриган беморларда комплекс даволашнинг самарадорлигини баҳолаш натижалари оғиз бўшлиғи суюқлигидаги липид спектри кўрсаткичларининг статистик жиҳатдан ишончли ижобий ўзгаришларини кўрсатди. Айниқса, гиполипидемик терапияни ўз ичига олган кенгайтирилган схема қўлланилган биринчи гуруҳда сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) даражаси $2,98 \pm 0,96$ дан $2,74 \pm 0,96$ ммол/л гача (8,05% га) пасайди, триглицеридлар миқдори $1,98 \pm 0,79$ дан $1,71 \pm 0,79$ ммол/л гача (13,6% га) камайди, юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) - ҳимоя фракцияси даражаси эса $1,76 \pm 0,53$ дан $1,99 \pm 0,53$ ммол/л гача (13,07% га) кўтарилди. Олинган маълумотлар метаболик профилнинг яхшиланишини кўрсатмоқда, бу нафақат оғиз бўшлиғидаги яллиғланиш ўчоқларини бартараф этиш, балки юрак-қон томир касалликлари хавф омилларини ҳам тузатиш билан бирга кечмоқда.

Фақат стандарт пародонтологик даволаш қўлланилган иккинчи гуруҳда ўзгаришлар камроқ сезиларли бўлиб, статистик аҳамиятга эга бўлмади. ПЗЛП даражаси $3,74 \pm 0,96$ дан $3,45 \pm 0,90$ ммол/л гача пасайди (7,75% га камайиш), ЮЗЛП даражаси $1,38 \pm 0,24$ дан $1,45 \pm 0,20$ ммол/л гача кўтарилди (5,07% га ўсиш), триглицеридлар эса $1,41 \pm 0,60$ дан $1,18 \pm 0,46$ ммол/л гача камайди (16,31% га пасайиш). Ижобий ўзгаришларга қарамай, ўзгаришлар амплитудаси розувастатин қабул қилган гуруҳга нисбатан анча паст бўлди. Бу эса комбинацияланган даволашнинг липид алмашинувига кучлироқ таъсирини тасдиқлайди ва бундай ёндашувнинг патогенетик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослайди. Олинган натижалар пародонтит ва атеросклероз биргаликда кузатилган беморларни даволашда ҳам клиник, ҳам метаболик кўрсаткичларни назорат қилишни ўз ичига олган кўп тармоқли стратегияларни жорий этиш зарурлигини таъкидлайди.

Атеросклероз пародонтит билан оғриган беморларда оғиз суюқлиги липид спектри бузилиши хавфига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда атеросклероз бўлмаган беморларга нисбатан оғиз суюқлиги липид спектри кўрсаткичлари концентрациясининг ўзгариш хавфи ЕДП да 0,669-1,210 баробар, ЎДП да 0,564-0,835 баробар ва ОДП билан оғриган беморларда 0,867-1,424 баробаргача ошади (2-жадвал).

Шундай қилиб, атеросклероз билан оғриган беморларда пародонт касалликлари липопротеинлар метаболизмини ўзгартиради, бу эса атеросклерознинг клиник кечиши ва пародонтитнинг турли оғирлик даражаларининг оғирлашишига, атеросклероз ва юрак-қон томир касалликлари каби асоратларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин.


Биринчи гуруҳ беморларида (комплекс пародонтологик ва гиполипидемик терапия олган) ўтказилган корреляцион таҳлил натижалари антропометрик, лаборатория ва клиник-стоматологик кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан ишончли боғлиқликларни аниқлади. Тана вазни индекси (ТВИ) пародонт тўқималаридаги яллиғланиш-деструктив ўзгаришлар билан яққол боғлиқликка эга экани аниқланди. Хусусан, ТВИ ўсиши билан тиш караши индекси ортиши қайд этилди ($R^2 = 0,732$; $y = 0,0634x$), милклардан қон кетиш индекси (ҚИ) ($R^2 = 0,708$; $y = 0,0694x$) ва пародонтал индекс (ПИ) ($R^2 = 0,804$; $y = 0,1089x$) кўрсаткичлари мутаносиб равишда ўсган. Бу маълумотлар метаболик ҳолат ва пародонтдаги яллиғланиш жараёнлари ўртасидаги узвий боғланишни кўрсатиб, пародонт ҳолатини мониторинг қилишда ТВИ баҳосини ҳам қўшиш зарурлигини асослайди, айниқса, атеросклероз ва метаболик бузилишлар фонларида (3-расм).



3-расм. 1-гуруҳда ТВИ ва ПИ ўртасидаги корреляцион боғланиш

Шунингдек, липид алмашинуви билан боғлиқ бир қатор кўрсаткичлар ва пародонт ҳолати ўртасида кучли корреляцион боғлиқликлар аниқланди. ПЗЛП миқдорининг ошиши тиш караши индекси ($R^2 = 0,825$; $y = 0,6237x$), милклардан қон кетиш индекси ($R^2 = 0,655$; $y = 0,6784x$) ва пародонтал индекс ($R^2 = 0,680$; $y = 1,0562x$) кўрсаткичларининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, бу атероген липид фракциялари оғиз бўшлиғида яллиғланишни кучайтиришига ишора қилади. Шу билан бирга, триглицеридлар даражаси ҳам тўғридан-тўғри боғлиқлик кўрсатди: тиш караши индекси ($R^2 = 0,8843$; $y = 0,874x$), ҚИ ($R^2 = 0,8774$; $y =$

0,9534x) ва ПИ ($R^2 = 0,8592$; $y = 1,4788x$) кўрсаткичлари билан. Қизиғи шундаки, одатда кардиопротектив ҳисобланган юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) ҳам яллиғланиш индекслари билан ижобий боғланишга эга бўлди, хусусан, ПИ билан ($R^2 = 0,832$; $y = 1,8153x$), бу ЮЗЛП нинг яллиғланиш жараёнидаги эҳтимолий компенсациявий роли мавжудлигини кўрсатиши мумкин. Ушбу натижалар пародонтит ва метаболик бузилишларга эга беморларни юритишда липид профили ва ТВИ назоратини ўз ичига олган мултидисциплинар ёндашувни жорий этиш зарурлигини тасдиқлайди (4-расм).




4-расм. 1-гурӯҳда ПЗЛП ва ГИ кўрсаткичи ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Иккинчи гуруҳдаги беморлар — яъни фақат стандарт пародонтологик терапия олган ва гиполипидемик воситалар қабул қилмаган шахсларда ўтказилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра, тана вазни индекси (ТВИ) ва пародонт тўқималари ҳолатини баҳоловчи клиник кўрсаткичлар ўртасида кучли ижобий боғлиқлик аниқланди. Хусусан, ТВИ ўсиши тиш қараш индекси ($R^2 = 0,765$; $y = 0,059x$), милклардан қон кетиш индекси ($R^2 = 0,810$; $y = 0,0648x$) ва пародонтал индекс ($R^2 = 0,759$; $y = 0,1158x$) кўрсаткичларининг ошиши билан боғлиқ бўлди. Бу натижалар ортиқча вазн ва метаболик дисбалансинг пародонт тўқималарида яллиғланиш ва деструктив ўзгаришларни кучайтиришига далолат беради. Аниқланган боғлиқликлар ТВИ ни пародонтит оғирлигига таъсир этувчи модификацияланувчи хавф омили сифатида қараш зарурлигини тасдиқлайди, ҳатто гиполипидемик терапиясиз шароитда ҳам.

Шунингдек, липид алмашинувига оид кўрсаткичлар билан пародонт ҳолати ўртасидаги боғлиқликлар ҳам юқори даражада аниқланди. Паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) даражаси тиш қараш индекси билан $R^2 = 0,869$ ($y = 0,5063x$), милклардан қон кетиш индекси билан $R^2 = 0,9714$ ($y = 0,5589x$) ва пародонтал индекс билан $R^2 = 0,723$ ($y = 0,9895x$) кўрсаткичларида жуда яққол ижобий боғлиқликни кўрсатди. Триглицеридлар ҳам шунга ўхшаш натижалар берди: тиш қоғози билан $R^2 = 0,875$ ($y = 1,393x$), қон кетиш индекси билан $R^2 = 0,725$ ($y = 1,5336x$), ПИ билан эса $R^2 = 0,8994$ ($y = 2,6964x$). Ушбу маълумотлар статинонларсиз шароитда ҳам дислипидемиянинг пародонт тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларига кучли таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Шу сабабли, пародонтитни баҳолаш ва даволашда ортиқча вазн

хамда липид дисбалансини инобатга олган ҳолда комплекс ёндашувни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (5-расм).



5-расм. 1-гуруҳда ПЗЛП ва милк қонаш индекси ўртасидаги корелляцион боғлиқлик

Патогенетик йўналтирилган даволаш схемаларини қўллаш пародонтнинг клиник ҳолатини сезиларли даражада яхшилашга олиб келди, бу асосий гуруҳларда индекс кўрсаткичларининг сезиларли ижобий динамикаси дан далолат беради. Шундай қилиб, 1-гуруҳда даволанишдан кейин гигиена индекси қийматининг пасайиши 2-гуруҳдаги тегишли динамикага нисбатан $\geq 39,46\%$ га; ПИ индекси $\geq 40,96\%$ га; Мюллерман қон кетиш индекси $\geq 53,47\%$ га; тишларнинг ҳаракатчанлиги - $15,80\%$ га; пародонтал чўнтақлар чуқурлиги - $18,92\%$ га ошди (3-жадвал).

3-жадвал

Атеросклероз билан оғриган беморларда пародонтитни даволаш динамикасида оғиз бўшлиғи гигиенаси ва пародонтнинг клиник ҳолати индекс кўрсаткичларининг қиёсий маълумотлари

Курсаткич	1 гуруҳ (n=40)		2 гуруҳ (n=40)		P
	Даволашдан олдин	1 ойдан сўнг	Даволашдан олдин	1 ойдан сўнг	
Милк рец.	5,14±0,27	4,93±0,27	5,24±0,34	5,10±0,37	<0,001
Парод.чунтак чуқурлиги	4,92±0,21	4,74±0,21	4,84±0,34	4,71±0,34	<0,001
Милкни клиник бирикиши	3,92±0,26	3,75±0,26	3,89±0,29	3,79±0,27	<0,01
Тиш қарши курсаткичи	2,01±0,29	1,83±0,29	1,93±0,25	1,82±0,22	<0,05
ҚИ	2,21±0,29	1,99±0,29	2,13±0,28	2,00±0,28	<0,001
ПИ	3,48±0,25	3,32±0,25	3,74±0,20	3,60±0,21	<0,01

Даволашдан олдин таққослаш гуруҳларида оғиз суюқлигидаги липид спектри кўрсаткичлари бир хил эди, бу эса даволаш натижаларини таққослаш имконини берди. Даволашдан сўнг барча гуруҳлардаги беморларда оғиз суюқлиги липид спектрининг ижобий динамикаси аниқланди, асосий гуруҳларда таъсири яққолроқ намоён бўлди. Шундай

қилиб, 1-гурухда пародонтитнинг стандарт терапиясидан сўнг ТГ-12,50%; ПЗЛП - 14,29% га; ЮЗЛП - 13,92% га ошди. Шундай қилиб, пародонтитнинг стандарт терапиясини қўллаш оғиз суюқлигининг липид спектрини тўлиқ нормаллаштиришга олиб келмайди (4-жадвал).

4-жадвал

Атеросклероз билан оғриган беморларда пародонтитни даволаш динамикасида оғиз суюқлиги липид спектрининг қиёсий маълумотлари

№	Курсаткич	1 гурух (n=40)		2 гурух (n=40)		P
		Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	
1	ПЗЛП	2,98±0,96	2,74±0,96	3,74±0,96	3,45±0,90	>0,2
2	ЮЗЛП	1,76±0,53	1,99±0,53	1,38±0,24	1,45±0,20	>0,05
3	Триглиц	1,98±0,79	1,71±0,79	1,41±0,60	1,18±0,46	>0,1

Шифокорнинг қатъий назорати остида ичга розувастатин қабул қилган беморларнинг 1-гурухида қондаги глюкоза ўзгаришлари аҳамиятсиз бўлса-да, статистик жиҳатдан ишончсиз эди, аммо СРОнинг пасайиш тенденцияси аллақачон мавжуд эди ва С. нейтр сезиларли даражада камайди. С-реактив оксил даражаси сезиларли даражада камайди (5-жадвал).

5-жадвал

Оғиз суюқлиги иммун спектрининг қиёсий маълумотлари атеросклероз билан оғриган беморларда 1 ойдан кейин пародонтитни даволаш динамикаси

Курсаткич	1 гурух (n=40)		2 гурух (n=40)		P
	Даволашдан олдин	1 ойдан кейин	Даволашдан олдин	1 ойдан кейин	
Глюкоза	5,47±0,36	5,24±0,36	5,94±0,67	5,57±0,56	<0,05
СРО	3,03±1,95	2,33±1,95	3,98±2,47	2,95±1,92	>0,1
С.нейтр,	63,48±7,13	59,88±7,13	67,10±9,67	61,71±7,39	<0,05

ХУЛОСАЛАР

«Атеросклерози бор беморларда пародонтитни даволашнинг клиник-иммунологик асослари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

1. Сурункали пародонтит атеросклеротик юрак-қон томир касалликларининг ривожланиш хавфини оширади. Бу касалликларга, аввало, стенокардия, ўткир коронар синдром ва миокард инфаркти, шунингдек, артериал гипертония киради (ОР = 2,551; 95% ДИ 1,836 - 3,544). Ёш ўтиши ва у билан боғлиқ коморбидлик (СРІТН индекси кодлари бўйича) туфайли сурункали пародонтитни даволашга бўлган эҳтиёж 2-3 баробар ортади ($\chi^2 = 24,485$; $P < 0,01$). 45-60 ёшли сурункали пародонтит билан оғриган беморларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим, чунки бу даврда иккала касалликнинг дастлабки босқичларида хавф омилларини бартараф этиш имконияти мавжуд.

2. Коморбид патология фонида сурункали пародонтит билан оғриган беморларда ИЛ-6 ва СРО цитокинлари даражаси юқори (12,20 пг/мл; 3,98 мг/л). Розувастатинни доимий ва қатъий назорат қилинадиган дозада қабул қилган беморлар ўзларини анча яхши ҳис қилишди ва уларда яллиғланишга қарши цитокинлар даражаси статинлар қабул қилмаганларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада паст бўлди (4,88 пг/мл; 1,88 мг/л).

3. Пародонтитнинг комплекс даволашига статин препаратини қўшиш оғиз суюқлигининг физик-кимёвий кўрсаткичларини тиклаш бўйича стандарт терапия самарадорлигини 34,48% дан ошишига ($p < 0,001$), антиоксидант мувозанатни 22,78% дан кўпроққа ($p < 0,001$) тиклаш ва оғиз суюқлигининг липид спектрини 20,61% дан ошишига ($p < 0,001$) нормаллаштириш имконини беради.

4. Сурункали пародонтитнинг асосий стандарт терапияси фонида, шунингдек статинларни ичишни қатъий назорат қилган ҳолда, атеросклероз билан оғриган беморларда розувастатинни қўллашнинг 6 ойлик узоқ муддатли натижаларига кўра, пародонтитнинг клиник ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш ва сурункали юрак ишемик касаллигини барқарорлаштириш кузатилди. Хусусан, 1-гуруҳда даволанишдан кейин гигиена индекси қийматининг пасайиши 2-гуруҳдаги тегишли динамикага нисбатан $\geq 39,46\%$ га, ПИ индекси $\geq 40,96\%$ га, Мюллерман қон кетиш индекси $\geq 53,47\%$ га, тишларнинг ҳаракатчанлиги 15,80% га, пародонтал чўнтаклар чуқурлиги эса 18,92% га юқори бўлди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ 04/05.06.2020.Tib.102.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АРЗИКУЛОВА МУНИСА ШУХРАТ КИЗИ

**КЛИНИКО - ИММУНОЛОГИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ЛЕЧЕНИЯ
ПАРОДОНТИТА У БОЛЬНЫХ АТЕРОСКЛЕРОЗОМ**

**14.00.21 - Стоматология
14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан под № В2022.3.PhD/Tib3048

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sammu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Научные руководители:

Ризаев Элёр Алимджонович
доктор медицинских наук, доцент

Агабабян Ирина Рубеновна
кандидат медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Беленова Ирина Александровна
доктор медицинских наук, профессор

Ташкенбаева Элеонора Негматовна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Mara university of technology (Малайзия).

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2025 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском университете. Адрес: 140100, город Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована за № _____) Адрес: 140100, город Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2025 года).

А.С.Кубаев

Заместитель председателя разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.У. Самиева

